



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 6

Навоий шаҳри.

“QO’LDOVLI YANGI OBOD” хусусий корхонаси (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **Норова Мадинабону Махмуд қизи** ҳамда иккинчи томонидан “Навоий нефт базаси” МЧЖ, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) низом асосида фаолият юритувчи раҳбар О.Р.Ҳасанов ушбу шартномани қўйидагича туздилар:

1 ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Товар “Бажарувчи” “Буюртмачи” нинг мулки ҳисобланади, у гаровга қўйилмаган ва учинчи шахсларнинг даъволаридан холидир.

1.2. “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” – учун (товарнинг номи, маркаси, артикули)

T/p	Маҳсулотноми	Ўлчов бирлиги	Ҳажми (миқдори)	Нархи	Умумий суммаси
1	Баннер лозунг (1*1 м ² 300 гр/м ² , Рекасибилан 3*4см)	м ²	120	45500	5460000
2	Журнал (80 гр. Офсет каттикмуковалиранглиюзибилан)	дона	120	41000	4920000
3	Буклет (2-х двух.стр. 160 гр. глан. Рангли)	дона	120	3200	384000
4	Рухсатномакитобча (А4/3 бумага газет, 100 лист)	дона	56	12050	674800
5	Сменный отчет (А3/2 газетная бумага 48 гр. 2х)	дона	15000	160	2400000
6	Солиштирмадалолатнома (А4 газетная бумага 48 гр. 2х)	дона	1525	160	244000
7	А3 журнал (100 варақли А3 формат 80 гр. Офсет каттикмуковалиранглиюзибилан)	дона	4	97300	389200
8	Имзога папка (250 гр. 2х рангли, гланс)	дона	15	9200	138000
9	Рухсатномабланкаси *3	дона	4375	400	1750000
10	Таркатиш (раздаточные) *2	дона	6000	300	1800000
11	Товар-транспорт накладной бланкаси *4	дона	300	15000	4500000
12	Ферменный бланка	дона	7000	440	3080000
13	Буйрук бланка	дона	7000	500	3500000
14	Реестр бланка	дона	5000	140	700000
15	Рухсатномакитоби (А4, 1/4)	дона	20	9000	180000
16	Табел бланка	дона	1000	420	420000
17	Табрикнома (бум. Фото 300 гр/м ² лазер. печат. 2-сторонная формат 210x297 мм с коп вер)	дона	20	9500	190000
18	Махсус конверт учбурчакклапанли 23x15	дона	100	4500	450000
19	Махсус конверт учбурчак клапанли 33x24	дона	100	6800	680000
20	Махсусшаклдаги бланкаларучун окрангли А4 форматли картон	дона	100	1900	190000
21	Махсусчиқим китоби	дона	1	50000	50000
22	Махсускирим китоби	дона	1	50000	50000
	Жами				32 150 000

Суммаси сўз билан: (Ўттиз икки миллион бир юз эллик минг) сўм.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 2.1. “Бажарувчи” нинг мажбуриятлари:
- 2.2. Ишни ва унга оид ҳужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида “Буюртмачи”га топшириш.
- 2.3. Агарда шартнома шартларига мувофиқ зарур деб топилса, товарни ташиб бериш.
- 2.4. “Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:
- 2.5. Товарни 3 кун муддатда кўздан кечириш. Ишнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, “Буюртмачи” шу муддатда “Бажарувчи”га аниқланган номувофиқликлар ҳақида маълумотномаларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.
- 2.6. Шартномада белгиланган баҳода ишҳақини тўлайди.

3. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартнома суммаси: 32 150 000 сўм бўлиб, ишнинг ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.
- 3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30 % маблағ кўчирилиб, маҳсулот етказиб берилгандан сўнг қолган 70% маблағни тўлаш йўли билан амалга оширилади.
- 3.3. Етказиб берилмаётган товарлар (ишлар, хизматлар) ҚҚС сиз етказиб берилмоқда

4. ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

- 4.1. Иш бажарилгандан сўнг «Бажарувчи» ва «буюртмачи» топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузиб имзолайди ва муҳрлайди.
- 4.2. Бажарилган полиграфия хизматлари тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи иш топширилган пайтдан бошлаб «Буюртмачи»га ўтади.
- 4.3. Ишни топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар «Бажарувчи» сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.
- 4.4. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ иш бажарилган жойидан топширилади.

5. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

- 5.1 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.
- 5.2 Шартномани бажариш муддати рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил “31” декабр гача белгиланади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 6.1. Товарни етказиш ёки товар учун маблағни кўчириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тулайди.
- 6.2. Маҳсулотни умуман етказиб бермаган ҳолларда “Бажарувчи” “Буюртмачи” келтирилган зарар учун маҳсулот қийматини 0,1 % миқдорда ҳар бир кечиктирилган кун учун, лекин етказиб берилмаган маҳсулот суммасининг 10 % дан ошмайдиган миқдорда тавон (пеня) тўлайди.
- 6.3. Тўловни кечиктирилганлиги учун Буюртмачи ҳар кечиктирилган кунга, тўловни кечиктирилган сумманинг 0,1 % миқдорида, лекин етказиб берилган маҳсулот суммасининг 10 % дан ошмайдиган миқдорда тавон (пеня) тулайди.
- 6.4. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 6.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафлар жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

- 7.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофи:
 - 7.1.1 Ҳар бир Томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа Томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа Томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкӣ имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур;
 - 7.1.2 Бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

7.1.3 молиявий ва комплеанс назорати департаментининг алоқа каналлари:

-электрон почта compliance@ung.uz

-telegramбот @ung_antigorBot

-комплеанс инспекторларига тўғридан-тўғри мурожатлар

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокоралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокоралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, низо талабнома билдириш тартибига риоя қилинганидан кейин хўжалик судига кўриб чиқиш учун топширилади.

9. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

9.1. Томонларнинг хоҳиш-истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тўлаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР.

10.1. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларни жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сўнг етти кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

10.3. Қолган ўзаро муносабатлар томонларнинг келишувига асосан ёзма равишда ҳал қилинади эркин келишилган нархларда ва уларга ўзгартиришлар киритилса, шунга асосан шартнома асосларига қўшимча ўзгартиришлар киритилади.

10.4. Тарафлар ўзларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

10.5. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдаги ҳақиқийдир.

10.6. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.7. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил қилади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

«QO'LDOLVI YANGI OBOD» х/к.

Юридикманзилгоҳи:Навоийвилоят

Навоий шаҳар Тонг юлдузкучаси 74-уй

X\p20208000004940562001

Банк номи"Ипотекабанк" Навоий филиали

Банк коди(МФО)00205

ИНН302027589

ХХТУТ19400 КТУТ 23785340

Тел: +99893-955-25-25

Раҳбар:  С.Т.Ахмедов

«Буюртмачи»

“NAVOIY NEFT BAZASI” MCHJ
H/r: 2021 0000 5003 0610 7001
INN: 200002538.
MFO: 00432. OKED: 46710.
Toshkent sh., “O‘zsanooatqurilishbanki”
ATB Yashnaobod filiali
Tel: 79 770-36-37 Faks: 79 770-34-01

Раҳбар:  О.П.Ҳасанов

Юк.    